

## **БЕДА БАРГ ФИЛЧАСИ - PHYTONOMUS VARIABILISHИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ.**

Эргашова Хуснидабону Иброҳимовна  
Ассистент Андижон қишлоқ хўжалиги  
ва агротехнологиялари институти

**Аннотация:** Беда дуккақдошлар оиласига кириб тупроқ унумдорлигини оширишда хаводан эркин азотни туганак бактериялар ёрдамида тўплаб беради. Ушбу экин зааркунандаларидан Беда барг филчаси ёки фитономус биоэкологияси, зарари ва унга қарши кураш чоралари келтирилган.

**Калит сўзлар:** беда, беда барг филчаси, тухум, ғумбак, энтомофаг.

## **ЛЮЦЕРНОВЫЙ ДОЛГОНОСИК - БИОЭКОЛОГИЯ И МЕРЫ БОРЬБЫ С PHYTONOMUS VARIABILIS.**

Эргашова Хуснидабону Ибрагимовна  
Ассистент Андижанского сельского хозяйства  
и Институт агротехнологий

**Аннотация:** Люцерна (гракс) относится к семейству бобовых и собирает из воздуха свободный азот с помощью клубеньковых бактерий для улучшения плодородия почвы. В статье о вредителях этой культуры приведены сведения о биоэкологии люцернового долгоносика (*Phytonemus pallidus*) или фитономуса, его вредоносности и мерах борьбы.

**Ключевые слова:** Люцерна, войлок люцернового листа, яйцо, гриб, энтомофаг.

## **ALFALFA LEAF WEEVIL - BIOECOLOGY AND CONTROL MEASURES OF PHYTONOMUS VARIABILIS.**

Ergashova Khusnidabonu Ibrahimovna  
Assistant Andijan Agriculture  
and Institute of Agrotechnology

**Abstract:** Bean (*Vicia*) belongs to the legume family and enhances soil fertility by fixing atmospheric nitrogen with the help of symbiotic bacteria. This article provides information on pests of this crop, such as the bean leaf mite (*Phytonemus pallidus*), its bioecology, the damage it causes, and control measures.

**Keywords:** Bean, bean leaf mite, eggs, larvae, entomophagous.

Қишлоқ хўжалигида беда алмашлаб екинда, тупроқ унумдорлигини оширишда ва чорвачилик учун витаминга бой озуқа сифатида муҳим экин ҳисобланади. Бедани 200 дан ортиқ турдаги ҳашаротлар заарлаб, унинг ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини пасайтиради. Бу экинни заарловчи ҳашаротлар орасида беда барг филчаси ёки фитономус (*Phytonomus variabilis*) жиддий зааркунанда ҳисобланади. Бедазорлар бу ҳашаротлар билан кучли заарланганда экиннинг биринчи ўрим ҳосили 60-65% гача камайиб; маҳсулот сифати чорва озиқаси учун яроқсиз ҳолга келади. Ҳашарот ҳар поя ўсимлик ҳисобига 7 донадан тўғри келганда ҳам ҳосил ўрта ҳисобда 20 сентнерга камайиб, маҳсулот таркибидаги мой ва оқсил микдори кескин камаяди. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида фитономуснинг тарқалиш кўлами ва зарари мунтазам ошиб бормоқда. Бунинг олдини олиш учун илгари тавсия етилган восита ва усуслар ёрдамида ҳашарот миқдорини зарур даражада чеклаб туриш муаммо бўлмоқда.

**Таърифи.** Қўнғизнинг узунлиги (хартумчасидан ташқари) 5—7 мм келади; калласи узун найча шаклида олдинга чўзилиб туради.

Тухуми эллипссимон бўлиб, узунлиги 0,5—0,65 мм ва эни 0,3—0,4 мм келади. Янги қўйилган тухумлари оч сариқ рангли бўлиб, ривожланган сари қорая боради.

Личинкасининг узунлиги 10 мм гача етади; оёқлари бўлмайди. Танасининг қорин қисмидаги ҳар қайси сегментида иккита йирик бўртма бор, личинка ана шу бўртмалар ёрдами билан ўрмалайди.

Ғумбаги типик эркин бўлиб, етуқ қўнғизга ўхшайди. Ранги дастлаб сариқ, кейинчалик тўқ яшил тус олади. Ғумбагининг узунлиги 5,5—8 мм, эни 3,5—6 мм келади.

**Ҳаёт кечириши.** Фитономус вояга етган қўнғиз ҳолатида совуқдан ҳимояланган жойларга кириб қишлиайди. Бу зааркунанданинг кўпчилик қисми

далада, тупроқнинг юза қаватида қолади. Қўнғизлар қисман дала атрофидаги бегона ўтларда ҳам қишлийди.

Қўнғизлар, қишилаётган жойидаги ҳарорат  $12^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиган пайтда уйғонади. Фитономус эрта кўкламдаёқ серҳаракат бўлиб қолади. Беда ўса бошлаши биланоқ қўнғизлар пояларда озиқланади ва пояларни хартумчаси билан тешиб, уларнинг ичига тухум қўяди.

Марказий Осиё шароитида ҳар бир урғочи қўнғиз 2500 гача тухум қўяди. Битта пояда кўпи билан 20—30 та тухум бўлади. Фитономус тухумларининг кўпчилигини ўса бошлаган беданинг пояси 10—12 см га етмасдан олдин қўяди.

Вояга етган қўнғизларнинг беда билан озиқланиши ҳосилга унчалик катта зарар етказмайди.

Тухумдан чиқкан личинкалар бедапояларининг учларига кўтарилиб, барг қўлтиқларига ҳамда поя учларидаги куртакларга ўтади ва бу куртакларни кемириб шикастлайди. Далада личинкалар кўпайиб кетганида беда бутунлай ўсмай қолади.

Фитономуснинг катта ёшлардаги личинкалари барг қўлтиқларидан ва учки куртаклардан баргларга ўтиб, барглар билан озиқланади, баргнинг фақат деярли этини кемиради, томирларига тегмайди, Личинкалар олманинг эртаги навлари гуллай бошлаганда барг қўлтиқларидан баргларга кўплаб ўтади. Бу вақтдан кейин далалардаги бедалар сарғая бошлайди, беда барглари қурийди, ёш личинкалар ўсиш нуқталаринн кемириши сабабли ўсишдан тўхтаб, поялари қисқариб қолган беда ҳосили бутунлай нобуд бўлади. Личинкалар тезда беда баргларида пилла ўраб ғумбакка айланади. Фитономус личинкалари фақат беда билан озиқланади.

Гумбакдан чиқкан ёш қўнғизлар бирмунча вақт бедада озиқланиб, сўнгра иссиқ кунлар бошланиши билан боғлардаги тўкилган барглар тагига, далалар ёнидаги ўтлар, қамишзорлар, салқин жойларга яшириниб ёзги уйқуга киради.

Ҳаво салқинлашганда қўнғизчалар вақтинча уйғониб озиқланади бошлайди. Бу вақтда беда ҳосили кўпинча ўриб олинган бўлади, шунинг учун қўнғизлар бедадан бошқа ўт ва экинларга, шу жумладан ёш ғўза майсаларига ҳам ёпирилади. Улар ғўза майсаларининг пояларини, уруғбарг ва дастлабки баргчаларини шикастлайди. Салқин давр тугагандан кейин қўнғизлар такрор ёзги уйқуга киради.

Гумбакдан чиққан қўнғизларнинг жинсий маҳсулоти ривожланмаган бўлади, бу маҳсулот кеч куздагина ривожланиб етилади. Кузда, ёзги иссиқ кунлар тугагандан кейин фитономус такрор уйғониб, бирмунча вақтгача бедада озиқланади, шу йили экилган бедаларга ҳам жойлашиб олади, бироқ бу бедаларга унчалик зарап етказмайди, сўнгра қишки уйқуга киради.

Фитономус ҳароратга жуда сезгир бўлади, қишки кунлар салгина илиб, тупроқ  $12^{\circ}\text{C}$  ва ундан кўпроқ исиши билан қўнғизлар кўпинча уйғонади. Қишки уйқудан уйғонган урғочи қўнғизлар беда анғизига тухум қўя бошлайди; бедапояда анғиз бўлмаса, бу ҳолда қўнғизлар бошқа қулай жойга учиб кетади. Ана шу сабабли, Марказий Осиёда анғиздан ва кузги поялардан тозаланган далаларга фитономус анча кам зарап етказади.

Фитономус йилига бир авлод беради, факат кўклам фаслида, личинкалари пайдо бўлган вақтда зарап етказади.

**Қарши қураш чоралари:** Фитономус ҳаётига унинг паразитлари, йиртқич ва касалликлари жиддий зарба беради. Улар туфайли фитономуснинг баъзан 95 % часи қирилиб кетади. Марказий Осиёда фитономуснинг йиртқичлари *жисблажисибон* (*Motacilla alba L.*) ва *етти нуқтали тугмача қўнғизлар* (*Coccinella 7-punctata L.*) дир, паразитлари — *канидия* (*Canidia exigua Gsrav.*) номли яйдоқчи ва касалликлари — *тарихиум* (*Tarichium phytonomi Iacz.*) деб аталадиган замбурург касаллигидир. Булар фитономусни айниқса кўп киради.

Беда агросенозида фитономусга қарши курашишда атроф мухитга зарари кам ёки заарсиз самарали, соф кимёвий ва минерал ўғитлар аралашмасининг синаш ва улардан енг мақбулларини танлаб, ишлаб чиқаришга тавсия етиш

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зааркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. б 225
2. Манукян В.Н. Фитономус в Армении Защита растений 1967
3. Журавская С.А. Костенко И.Р., Спиридонов Ю.В. Борба с вредителями и болезнями люсери. Тош. 1954 с.35
- 4.Исмоилов М. Паразит фитономуса защита растений 1992 №10. Стр13
- 5.Кимсанбоев Х.Х. ва б. “Умумий ва қишлоқ хўжалик ентомологияси”. Т.2002 б 217